

## ЗИЁРАТ ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

**Ф.Б.Ҳайитова**

*Тарих фанлари бўйича фадсафа доктори (PhD)*

*Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчиси*

Дунёдаги бошқа халқлар қатори ўзбекларнинг маданий қадриятлари ва мероси минг йиллар мобайнида Шарқнинг маънавий ўчоқларидан бири бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари, биз яшаб турган ҳудуд ғоят хилма-хил диний эътиқодлар, динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган минтақа ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ҳудуди нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Қолаверса жаҳон цивилизация тараққиётида юксак моддий ва маънавий маданиятга эга бўлган Ўзбекистон ҳудуди инсониятнинг илк аждодлари яшаган манзилгоҳлар, тасвирий санъатнинг шаклланишига ҳисса қўшган ҳамда сунъий деҳқончилик, ҳунармандчилик тараққиётига асос солган маданий марказ сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўтмиш аждодларимиз асос солган моддий ва маънавий маданият масканларини ҳамда халқимизнинг маънавий ҳаёти юксалишида муносиб ҳисса қўшган авлод- аждодларимиз тарихини ўрганиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Шунингдек, ушбу ўлка ўзининг буюк алломалари, олимлари ҳамда меҳнаткаш халқи билан жаҳонга танилган. Аждодларимиз ўзларининг ҳаёт тажрибаларида муносиб ҳурматга сазовор бўлган шахсларнинг номларини абадийлаштиришга, амалга оширган ишларини келажак авлодга намуна сифатида қолдиришга ҳаракат қилган. Муносиб шахсларнинг меросини ва тарихини ўрганиш, пировард натижада улар дафн этилган қабристонларни обод қилиш, диний-диёнатли инсонларнинг ҳаёт тажрибасини оммалаштириш, уларнинг дунёвий ва диний соҳада амалга оширган ишлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилади. Айнан Ўзбекистондаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар юзасидан Г.П.Снесарев, В.Н.Басилов, Э.Ртвеладзе, В.Л.Огудин, Т.С.Саксанов, Н.Л.Жуковская каби тарихчи, этнограф олимлар бир қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган. Улар ўз тадқиқотларида муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар масаласини тарихшунослик ва этнография нуқтаи назаридан ёритишган.

Муқаддас объектлар атрофида шаклланган маданият, жамият тарихида юз берган воқеа-ҳодисалар, уларга муносабат, шу муҳит билан боғлиқ урф-одат, анъана, маросимлар муайян тил ва образлар орқали талқин қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, муқаддас зиёратгоҳлар халқимизнинг босиб ўтган тарихини ҳар

томонлама ўрганишга, Ватанни севишга, уни кўз қорачиғидай асрашга ундайди. Ўзбекистон республикаси ҳудудидаги муқаддас зиёратгоҳларни ўрганиш ва илмий таҳлил этишда уларнинг келиб чиқиш сабаблари, уни юзага келтирган ижтимоий-иқтисодий ва маданий воқеликлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки муқаддас зиёратгоҳларнинг шаклланишида географик муҳит алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ўтмиш аجدодларимиз улуғ аллома ва авлиёларнинг образини талқин қилишда ҳудуд иқлимига, табиат экологиясига, ернинг баланд жойлашишига, у ернинг турли дарахтлар, доривор ўсимликлар билан боғлиқлигига алоҳида эътибор берган. Муқаддас зиёратгоҳда дафн этилган шахсларнинг халқ олдидаги хизматлари, тинчликни сақлаш, халқни чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилиш ва ғалабани таъминлашдаги қароматлари, турли хил касалликлар, офатларни олдини олишдаги ҳаракатлари халқ томонидан эътироф этилиб, улар вафотидан кейин халқ учун муқаддас, тоза, кўркам ҳисобланган жойларга дафн этилган. Сурхон воҳасининг ўзига хос қадимий, тарихий обидалари қадимшунос олимлар томонидан мукамал ўрганилиб, муқаддас зиёратгоҳларнинг ҳудудини, географик жойлашуви, архитектураси, меъморчилигини илмий ўрганиш масаласида бир қатор натижаларга эришилди. Исломи дини кириб келгунига қадар Марказий Осиёда кўплаб қадимий динлар ва диний қарашлар бўлган. Бу минтақа динлари қаторида тотемизм, анимизм каби ибтидоий дин кўринишлари, кейинги даврда зардуштийлик, буддизм, маздакизм каби эътиқодлар бўлганлиги археологик манбалар асосида исботланган. Ўлкага ислом дини кириб келгандан сўнг баъзи қадимий урф-одатлар аста-секин бу дин билан уйғунлашиб, исломий тус олди. Ана шундай анъана ва урф-одатлардан бири муқаддас зиёратгоҳларда дафн этилган шахсларнинг тарихини ўрганиш ва уларнинг оилалари билан боғлиқ бўлган тарихий воқеа-ҳодисаларни илмий таҳлил этиш муҳим долзарб вазифадир. Чунки муқаддас жойларга дафн этилганларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида ўзига хос мавқега эга бўлган, дунёвий ва диний билимларни ривожланишига ҳар томонлама муносиб ҳисса қўшган, халқимизнинг ҳурматида сазовор бўлган шахслардир. Ушбу тарихий шахслар яратган дунёвий ва диний илмлар асрлар оша барҳаёт бўлиб, халқимизнинг маънавий-маърифий ҳаёти ривожига аҳамияти ҳамда маданиятимизнинг жаҳон цивилизацияси тарихига қўшган ҳиссаси билан ажралиб туради. Воҳада уларнинг қабрлари жойлашган мақбаралар муқаддас зиёратгоҳга айланиб, ушбу буюк сиймолар билан биргаликда саҳоба-ю авлиёларни ҳам тарихини ўрганиш ва муқаддас қадамжоларни обод қилиш давлатимизнинг асосий негизини ташкил этмоқда.

Маҳаллий аҳоли қадамжоларда хоки ётган кишилар ҳақида мустақиллик йилларида маълум маънода тарихий манбаларга эга бўлиб, халқ орасида мавжуд бўлган ривоятларда саҳоба-ю авлиёларнинг ҳаёт йўллари ҳақидаги маълумотлар қайта текширилиб, аниқлик киритиб маҳаллий халққа холисона ҳаққоний тарихий маълумотлар тақдим этилмоқда. Чунки республикада дунёда машҳур ва

муслмон дунёсида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган ал-Ҳаким ат-Термизий, Варроқ ат-Термизий, Юсуф Ҳаёт ат-Термизий, Имом Абу Исо ат-Термизий, Абу-л- Музаффар ат-Термизий, Саййид Бурҳон ад-дин Ҳусайн ат-Термизий каби алломалар етишиб чиққан ва улар ислом илмлари соҳиблари сифатида фаолият олиб борганлар.

Муқаддас қадамжоларни илмий таҳлил этиш асносида биз уларни ободонлаштириш, халқимизни руҳан дам оладиган, маънавий озуқа оладиган ҳудудларга айлантириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Қадимда Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистоннинг жанубий воҳалари буддавийлик, зардуштийлик, христианлик, монавийлик каби турли динларнинг шаклланишига ва тараққий этишига асос солган ҳудуддир . Бунга мисол қилиб Сополлитепа, Жарқўтон, Айритом, Термиз, Далварзинтепа, Холчаён, Фаёзтепа, Қоратепа каби милоддан аввалги қадимий археологик ёдгорликларни олишимиз мумкин.

Муқаддас зиёратгоҳларнинг шаклланишида маҳаллий халқнинг деҳқончилиги, ҳунармандчилиги, тиббиёти, ўзликни англаш, тасаввур ва онгини юксалишида, устоз-шогирд мактабларини шакллантиришда, табиат ва жамият ўртасида уйғунликни вужудга келтиришда, ҳукмрон синфлар билан оддий халқ ўртасида ўзаро ҳамкорликни вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшган улў инсонлар хизмати алоҳида инобатга олинган ва тарихан шаклланган. Воҳадаги ҳар бир зиёратгоҳ маҳаллий аҳолининг ҳаётида муҳим

роль ўйнаган, у ерда ётган шахс онги, тасаввури, диний ва дунёвий билимларни эгаллаши билан ажралиб турган ҳамда унинг касби билан боғлиқ хизматлари инобатга олиниб, тарихий воқеаларга, урф-одатларга қўшган ҳиссаси билан аҳамиятли бўлган.

Энг муҳими, муқаддас зиёратгоҳлар воҳанинг дарё, ариқ, булоқ, кон, ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик, дарахт, турли доривор ўсимликлар ўсадиган ҳудудларда шаклланиши, асосан, географик ҳолат билан боғлиқдир. Лангар ота (Қамаши тумани), Ҳазрати Башир(Китоб тумани), Хожа Убайдо Жарроҳ (Қарши шаҳри), Термиз ота (Термиз тумани), Султон Саодат (Термиз тумани), Қирқ қиз (Термиз тумани), Кокилдор ота (Термиз тумани), Такия ота (Шеробод тумани), Ҳазрати Султон Вашей Омонхона (Бойсун тумани) каби зиёратгоҳлар республика миқёсидаги зиёратгоҳлар ҳисобланса, иккинчи гуруҳга Макка Саид ота, Тутак ота, Қўтирбулоқ ота (Яккабоғ тумани), Кўҳна Фазли, Мирҳайдар Султон (Касби тумани), Арслонбоб (Шаҳрисабз тумани), Оқсув (Китоб тумани), Саъд ибн Аби Ваққос ота (Ангор тумани), Хўжамуқон ота (Шерабод тумани), Шакарли ота (Бандихон тумани), Кийик ота (Олтинсой тумани) каби ёдгорликлар киради. Бу объектлар турли давр воқеа-ҳодисалари таъсирида шаклланган бўлиб, ўзининг географик ва тарихий жойлашуви билан бошқалардан ажралиб туради.

Ўзбек миллий маънавий қадриятларининг таянч устунларидан бири бўлган муқаддас қадамжо ва ва зиёратгоҳларнинг ментал тафаккур шаклланишига таъсири

ҳамда алоҳида тадқиқот манбаи сифатида ўзбек менталитетининг тарихий шаклланиш илдизларини очиб беришда муҳим ўрин тутди. Кўриниб турибдики, муқаддас зиёратгоҳлар кишилардаги олий туйғуларни шакллантиришда ҳам муҳим рол ўйнаган. Муқаддас жойларни зиёрат қилиш одамларни ифлос йўллардан узоқ юришга, инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш сингари ҳайрли ишларга чорлаган. Уларда тарбия – одоб-ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларининг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, адолат сингари инсоний қадриятларни улуғлашга ундаб келган. Мозорлар олдиндан ўтиш ахлоқ-одоби тўғрисида «Алпомиш» достонида қуйидаги таъриф келтирилади: «Вақт-бевақт киши бир мазорнинг қабатидан ўтса, чап оёғини узангидан чиқариб, мазордаги одамларнинг ҳақиға дуо қилиб ўтса, бул ҳам сахий, агар ким мазордан ўтганда, чап оёғини узангидан чиқармай, мазоротнинг ҳақиға дуо қилмай ўтса, бул ҳам бахил экан» . Муқаддас мазорларга қараб туфлаш ёки ёмон сўз айтиш, айниқса, у ерларда ёзилмоқлик катта гуноҳ деб қаралган. Кимки бу таъқиқларга амал қилмаса, тез орада зиён топишига ишонганлар.

Зиёратгоҳлар келаётган ҳар бир зиёратчи дастлаб ўзининг устки кийим-бошига эътибор берган. Аввало, бу бош кийимлари билан боғлиқ бўлган. Бош кийимсиз зиёратгоҳга борилмаган. Бу ўринда аёллар учун рўмол, эркаклар учун асосан дўппи бош кийими бўлиб хизмат қилган. Бош кийимсиз бориш муқаддас мазорга нисбатан ҳурматсизлик белгиси ҳисобланган. Муқаддас жойларга зиёрат учун боришга хос бўлмаган кийимлар, асосан шариатга мос келмайдиган кийимлар нуқтаи назаридан келиб чиққан бўлиб, улар авратни беркитмайдиган кийимлардир ва бу кийимларни кийиб зиёратга бориш муқаддас жойга нисбатан ҳурматсизлик белгиси сифатида қаралган. Кишиларни ватанпарвалик, мардлик руҳида тарбиялашда муқаддас зиёратгоҳларнинг роли муҳим аҳамият касб этган. Мамлакатга душман ҳужумлари содир бўлган маҳалда аҳолини Ватан ҳимоясига чорлаш мақсадида муқаддас мазорларнинг аҳоли орасидаги мавқеидан фойдаланилган. XVIII асрда Фарғона водийсига қалмоқларнинг ҳужуми, Қўқон хонлигига Бухоро амирининг ҳужумлари, ҳамда Россиянинг истилчилик юришлари вақтида, большевикларнинг давлат тепасига келган вақтда маҳаллий руҳонийлар ва эшонлар Шаҳид мазор, Мўйи муборак ва Хўжа Муъоз, Гарбобо, Шоҳимардон, Пошшо пирим зиёратгоҳида туриб аҳолини юртни ҳимоя қилишга чорлаганлар. Масалан маълумотларга кўра, Шоҳимардондаги Ҳазрат Али мазорини миллий озодлик ҳаракатининг намоёндаларидан бири бўлган Мадаминбек тез-тез зиёрат қилиб турган. Шу сабабдан ўша даврларда Шоҳимардонда ўтказилган сайилларда большевикларнинг мустабид тузумига қарши курашган миллий озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси Мадаминбек (1892-1920) ҳақида қўшиқлар айтилган .

Аҳолида меҳнатсеварлик ҳислатларини кучайтиришда зиёратгоҳлардаги авлиёлар культининг роли муҳим аҳамият касб этади. Улуғ зотларнинг авлиёлик даражасига етишида тинимсиз меҳнат ётганлиги боис аҳоли ўртасида меҳнатга

бўлган муносабат авлиёлар ҳаётига тақлидий равишда кечган. Бу қарашлар Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил баёри, даст ба кор» шиорига ҳамоҳанг ҳолда олиб борилган. Муқаддас мазорлар билан боғлиқ халқ қарашларида аввало поклик бош мезон бўлиб, бировлар ҳақида кўз олайтирмаслик, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик каби қабиҳ ишлар қаттиқ қораланган. Зиёратгоҳлардаги азиз-авлиёлар ҳаётидан ибрат олиш одамларни ёмон йўллардан узоқроқ юришга инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш сингари ҳайрли ишларга ундаб келган. Уларда тарбия – одоб-ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларининг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳаллоллик, адолат сингари инсоний қадриятларни улуғлашга ундаб келган. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, аҳоли учун зиёратгоҳлар асрлар мобанийда ўзига хос маънавий тарбия вазифасини бажариб келган. Бу кишилар тафаккурида табиатга, ватанга бўлган меҳр муҳаббатларини ўстириб боришида муҳим омил сифатида катта аҳамият касб этади. Ўзбек халқининг муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлари аслида ўзбекларнинг миллий маънавий қадриятларини ва этномаданиятини мужассамлаштирган бўлиб, унда биологик, географик, иқтисодий, тил ва маданият каби омиллар таъсирида минг йиллар давомида шаклланган. Тарихий регенирация давомида барча омиллар анъанавий жамиятга кириб келган постиндустриал тараққиётнинг таъсири натижасида ўз функциясини ўзгартирганига қарамай маданий ҳаётнинг миллий маънавий қадриятлари сирасидан саналмиш муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг миллий менталитетга таъсир кучи вақт ўтган сари миллий эътиқоднинг инъикоси, устунлиги сифатида доимий равишда ошиб бормоқда.

Халқимиз орасида улуғ аллома-ю авлиёларнинг қадамжоларига бориб, уларни зиёрат қилиш орқали Худодан ўз ниятларини сўраш қадимдан қолган удумдир. Бунда улар Пайғамбар ҳадисининг қабрларни зиёрат қилиш масаласидаги қуйидаги сўзларига амал қиладилар: «Қабристонларни зиёрат қилиб турингизлар, зеро, у охиратни эслатади. Охиратни эслаш эса кишини ёвузликдан узоқлаштириб, эзгуликка яқинлаштиради» .

Ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихида муқаддас мазорлар билан боғлиқ ранг–баранг маросимлар тизимини яратибгина қолмай унинг ижрочи амалиётчисига айланди. Гарчи муқаддас мазорлардаги жонлиқ сўйиш, азиз–авлиёлар ва аждодлар руҳига атаб ис чиқариш шам ёки пахта пиликлари билан ўралган калтакчаларни ёқиш чалпак пишириш, икки ракат ният намозини ўқиш, эҳсон бериш, мазорга атаб қути ёки мазор ичига пул ташлаш ёки қимматбаҳо буюм, жонлиқ сифатида ҳайвонни эҳсон қилиш, мазор атрофида ният айтиб айланиш, мазор остонасига бошини қўйиб илтижо қилиш, мазордаги муқаддас дарахт шоҳларига латта бойлаш, дарахтни қучоқлаб ниятини айтиш, муқаддас тошларга бош, қўл ва белини текизиш, муқаддас булоқ сувларида ювиниш, сувга танга ташлаш, булоқдан ният билан буюм топиш, шайхдан кокил олиш, «қайтарма» учун нарсалар қўйиш, мазор остонаси ва атрофини ният айтиб супуриш маросимларнинг баъзи бирлари ҳаётдаги улкан ижтимоий–

иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар, айниқса, илмий–техника инқилоби таъсирида аста–секин йўқолиб, айримлари ўзгаришларга учраган бўлса–да, бироқ уларнинг барчаси қандай ғоявий йўналишда бўлганлигидан қатъи назар халқнинг амалий фаолиятида ўтмишда ва ҳозирги кунда қўлланилиб келинаётганлиги билан катта тарихий ва илмий аҳамиятга эга. Ушбу маросимларнинг аксарияти, хусусан азиз–авлиёлар култи қадимги диний эътиқодлар билан болиқдир. Кўпчилик олимларнинг таъкидашича, уларда зардўштийлик динига хос бўлган одатларнинг айрим кўринишлари ўз ифодасини топган. Зардўштийлик дини қолдиқлари сифатида зиёратгоҳларда хўрозни қурбонлик қилиш маросимини кўрсатиш мумкин. Чунки бу одат ҳозирги даврдаги зардўштийлик динига эътиқод қилувчи эронликлар орасида сақланиб қолган. Асрлар давомида муқаддас мазорлар ўзбек халқи ҳаёти ва дунёқарашида муҳим аҳамият касб этиб келди. Мазорлар кишиларнинг ижтимоий ва маданий турмушида тутган ўрнидан ташқари жойларнинг топографиясини ҳамда ҳудуднинг диний–ментал харитасини яратувчи омилларни келтириб чиқарувчи мурракаб кўринишни ўзида акс эттирди. Қадимдан мазорлар муқаддас жойлар сифатида эъзозланиб келинган ва одатда уларнинг кўп қисми ҳудудларнинг иқтисодий ривожлаган марказларида жойлашган. Шу сабабдан улар суғориш иншоотлари ва сув ҳавзалари ҳамда савдо йўлларини кесиб ўтувчи чораҳалар, тоғ доволари сингари жойлар билан боғлиқ бўлган. Мазорлар қоидаги кўра қадимий асосга эга бўлиб, улардаги культлар исломгача даврларга бориб тақалади. Вақти–вақти билан уларда турли таъсирлар ва турли қарашлар акс этган. Ислом даврида зиёратгоҳлар маҳаллий аҳоли кўз ўнгида мусулмонча характер касб этган. Мазорлардаги культлар уларни зиёрати билан боғлиқ ўзига хос ўрф–одатларни ташкил топишига олиб келди. Бундай маросимларни ўрганиш ўзбек халқининг қадимги маънавий тасаввурлари генезисини ҳамда уларнинг турли даврлардаги диний қадриятларини аниқлашда катта этнографик қизиқиш уйғотади. Ислом дини Фарғонада VIII асрдаёқ мустаҳкамланган бўлса–да, у маҳаллий аҳолининг қадимий эътиқодлари изларини бутунлай сиқиб чиқара олмаган. Бундай эътиқодлар бирмунча ўзгарган ҳолда аҳолининг оилавий–турмуш ўрф–одатлари муҳитида яшаб қолган. Бундай ўрф–одатлар излари айниқса аёлларнинг зиёратгоҳлар билан боғлиқ маросимларида кўпроқ сақланиб қолган. Аёллар томонидан зиёратгоҳларда амалга ошириладиган маросимларни таҳлиладан келиб чиққан ҳолда тарихнинг илк даврларида аёллар культларга топиниш муҳитида асосий ролни ўйнаган деб ҳисоблаш мумкин. Мазорлардаги муқаддас культлар исломнинг Марказий Осиёдаги ўзига хос жиҳатларидан бири бўлиб қолди. Мазорлардаги культлар, бошқа тадқиқотчилар ҳам қайд этганидек, халқ маданиятининг қоришган, турли культлар ва қадимий эътиқодларни ўзида мужассамлаштирган бир шакли ҳисобланади. Республика зиёратгоҳлари Марказий Осиё аҳолисининг турмуш – тарзи ва дин тарихи бўйича қимматли манба ҳисобланади. Шуниси диққатга сазоворки, маҳаллий халқ муқаддас зиёратгоҳларни Муҳаммад пайғамбар издошлари саҳобалар, тобеъинлар,

диний уламолар, тасаввуф тариқати намоёнлари номи билан боғлиқ тарзда талқин қилинади. Минтақа зиёратгоҳларини тарихий-этнологик аспектда тадқиқ қилиш натижасида авлиёлар тўғрисидаги халқона қарашларга кўра, улар халқнинг юксак орзуларини, манфаатларини ҳимоя қилувчи, оғир вазиятларда инсонларга кўмакдош, ёвузликнинг кушандаси сифатида намоён бўлишини кузатдик. Демак, Марказий Осиёда ислом дини ўзига хос бўлгани ҳолда бу ўзига хослик Ўзбекистонда айниқса яққол намоён бўлади. Зеро, унинг ўзига хос хусусиятларидан бири азиз-авлиёлар ва муқаддас қадамжоларнинг эъзозланишидир. Уларнинг аксарияти исломий характерда бўлиб кўринса-да, аслида исломий анъаналар билан уйғунлашган синкретик кўринишлардан иборатдир. Тарихдан маълумки, ислом динининг кириб келиши билан маҳаллий динлар ва уларга хос урф-одатларга барҳам берилганлигига қарамай, уларнинг айрим унсурлари зиёратгоҳлардаги исломий анъаналар қобиғида сақланиб қолган. Ислом дини таълимотида азиз-авлиёлар руҳидан мадад сўрашлик, зиёратгоҳларда ис чиқариш, чироқ ёқиш, латта бойлаш, тавоф қилиш сингари одатлар ислом динига қадар мавжуд бўлган динларга хос одатлар деб қараб келинган. Ислом ақидасига кўра, қабрни қўл билан сийпаш, ушлаш, ўпиш, кўзга суртиш, қабр устида шам ёки чироқ ёқиб қўйиш, арвоҳлар шам ёки чироқ атрофига келади, деб эътиқод қилиш «ширк» яъни мажусийларнинг одати деб қаралган. Бироқ тарихшуносликда муқаддас зиёратгоҳларни ушбу қадимги урф-одатлар ва диний қарашларни сақлаб келаётган қимматли манба сифатида тадқиқ этиш ўта муҳимдир. Чунки, аҳолини зиёратгоҳлардаги мавжуд дарахт, булоқ ва жониворлар тўғрисидаги қарашларида қадимги зардўштийлик дини, шомонийликка хос анимизм, фетишизм, тотемизм каби қадимги эътиқодларнинг қолдиқлари сақланиб қолганлигини кўриш мумкин.

Юртимизда мавжуд муқаддас зиёратгоҳлар, мақбаралар, қадамжолар диний ва миллий қадриятлардан саналади. Мазкур жойлардаги амаллар ҳам ўзининг миллий, диний, психологик ҳамда тарихий илдизларига эга. Уларни илмийлик асосида чуқур ўрганиш юртимиз маънавий ҳаётининг юксалишига, халқ орасидаги айрим салбий одатларга барҳам берилишига, шу билан бирга, ижобий хислат ва урф-одатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлод онгида соғлом эътиқод, тўғри дунёқараш, алломаларимиз меросига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг жанубий воҳалари бўлмиш Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари қадим-қадимдан қанча-қанча тарихий воқеаларни бошидан ўтказган. Бу юртда эл орасида машҳур бўлган тарихий шахслар, алломалар, авлиёлар, суфийлар яшаб ўтишган. Уларнинг қабрлари устига ҳурматлари учун мақбаралар, хонақоҳлар қурилган. Азиз-авлиёларнинг мазорларини, қабристонларни зиёрат қилиб туриш ислом динида савоб иш саналади. Зиёратгоҳларга бориш, уларни эъзозлаш, диний қадрият ҳисобланади. Қолаверса, зиёрат ва зиёратгоҳлар ўзбек халқининг асосий этномаданиятларидан бири бўлиб, аҳолини энг олий, руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилади.

